



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 7 (692)
2020 йил
21 февраль,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета

ил 2...дан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

**Камхарж
маросимлар**

**Кимларга
ёқмайди?**



Айрим одамларни тушуниш қийин: кечагина дабдабозлик, кимўзарга айланаётган тўйлар ҳақида ёзгириб турганлар бугун маросимларнинг ихчамлашиб бораётганидан норози. Нима эмиш: биз серуруғ, ошна-оғайниси кўп халқ эканмиз-у, бугун анъанага айланаётган 200-250 кишига мўлжалланган оилавий тадбирлар ўзаро ришталарга путур етказаятганмиш. Агар шу қариндошчилик, меҳр-оқибат тўй билан боғлиқ бўлса, кечиб қўя қолган маъқул бундай алоқалардан. Шунча гап-сўз, тортишувлардан кейин энди-энди фаолияти яхшиланиб бораётган тўйларни тартибга солувчи комиссиянинг ишини қўллаб-қувватлаш ўрнига унга тош отиш ўзи ўтирган дарахтнинг шохини кесиш билан баб-баро-бар.

**Кечиктириб бўлмас
масала**



Ҳаёнинг отини кўрқоқ қўйибди деганларидек, уни камситишни ёки ортиқча гап сўз чиқишини истамагани учун жим кетаётган йўловчиларга мени ичган деб ўйлаясизми, дегандек, ўқрайгани ортиқча.

Автобусдаги “маърузачи”лар!

• Ҳамма ўз фикрида қолса, иш ҳам жойида қолаверади.

**Аҳоли
муаммоси**

**Муҳими,
вақтни тежаш**

**Фуқаролик
билан боғлиқ
эътирозлар
ҳал этилади**

**Маҳалладан
ҳалқ ҳам,
давлат ҳам
рози эмас**

**Тадбиркорлар
кўмакдоши!**

**ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2020 йил 19 февраль куни ушбу мамлакатга ташриф буюрди.

МАҲАЛЛАДАН халқ ҳам, давлат ҳам рози эмас

Маҳалла жамиятимизнинг таянч бўғини сифатида ҳар биримизнинг ҳаётимизда катта ўрин тутати. Оилаларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда ушбу институтнинг аҳамияти ва роли беқиёс.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини, обрўси ва мавқеини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилиб, бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Бироқ охириги йилларда маҳалла тизимини ислоҳ қилиш, маҳаллалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ишлари сезиларли даражада бўлмапти. Буни айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпай-

гани мисолида кўриш мумкин. Энг ачинарлиси, хотин-қизлар ва воёга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 12 февраль кuni ўтказилган маҳалла тизимини тақомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу бўйича батафсил тўхталиб ўтилди. Унда айтилган фикрлар, тавсиялар халқимиз

ва маҳалла фаоллари кўнгилдаги гап бўлди, десак асло муболаға эмас. Чунки айна пайтдаги ажримлар кўрсаткичи, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари халқимиз кутган натижаларни бермаётган эди.

Дарҳақиқат, бугунги давр ҳар бир соҳада изчил ислоҳотлар рўёбга чиқарилиши зарурлигини кўрсатмоқда. Шу жумладан, маҳалла тизимида ҳам янгиланишларни татбиқ этиш айна вақтда долзарб. Бинобарин, Олий Мажлисга яқинда йўланган Мурожаатномада ҳам маҳалла тизимини ўзгартириш, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий қилиш зарурлиги таъкидланган эди.

Шу боис мамлакатимиз раҳбари томонидан ушбу улкан соҳага масъул алоҳида давлат идораси — Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш таклифи берилди. Буни, ўз

навбатида, оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш масалаларига янада устувор аҳамият қаратаётганининг амалий ифодаси сифатида яққол кўриш мумкин.

Хўш, мазкур вазирликнинг аҳамиятли жиҳатлари нималардан иборат? Алоҳида қайд этиш жоизки, янги тузилмада шу вақтга қадар хотин-қизлар кўмиталарида, маҳаллаларда меҳнат қилиб келаётган опа-сингилларимиз тузилмада фаолиятини давом эттиради, уларнинг мавқеи, моддий шарт-шароитлари ва иш ҳақи ҳам сезиларли оширилади.

Фуқаролар йиғини раисининг сайланиш муддати уч йилдан беш йилга узайтирилиши эса, маҳалла раисларини маҳалладаги фуқаролар билан тизимли ишларни йўлга қўйиши, муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топиши учун, тадбиркорлик ва томорқа маданиятини ривожлантириш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини шакллантириш, умуман, барча соҳаларда маҳалланинг ичига кириб бориши учун етарли муддат, албатта.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қошидаги Ёшлар

сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссиялари томонидан мунтазам равишда ҳар чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан ўрганишлар ташкил этиш ва масъул шахсларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш ишлари тизимли йўлга қўйилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Умуман айтганда, маҳалла фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар ёшларни ҳар томонлама камолга етказиш, жисмонан соғлом этаклаб ўсатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, одамларда қонунларга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳалла фаоллари бирдамлик билан самарали иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ.

Дилбархон МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Аҳоли муаммоси ҳукумат даражасига кўтарилиши керак!

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра, барвақт олдини олишга ўтиш кераклигини таъкидлаб, унга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган тузишни таклиф этган эди. Президентимиз ҳузурида кuni кеча бўлган йиғилишида ушбу янги тузилмани ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, коррупция иқтисодиётнинг ривожини, қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини яратиш учун катта тўсиқ ҳисобланади. Бу иллат нафақат бизнинг, балки жаҳон иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий оқибатлари билан зарар келтирмоқда.

Коррупцияга қарши курашишда, биринчи навбатда, давлат органлари фаолиятида ва уларнинг иш жараёнида очиқлик, шаффофлик бўлиши керак. Ишга қабул қилишда, рухсатнома ҳамда лицензиялар беришда, давлат буюртмалари асосида ишлар бажаришда

шаффофлик ва ошкоралик таъминланмас экан, бу иллатни бартараф этиб бўлмайди.

Шу мақсадда Президентимиз томонидан Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда вазирлик, компания ва ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Хорижий экспертларни жалб қилиб, давлат хизматчиларининг мулклари ва даромадини декларация қилиниши бўйича тизимни йўлга қўйиш орқали ҳам коррупциянинг илдини қирққишга эришилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан шундай тузилма ташкил этилиши кераклиги айтилдики, бу тузилма нафақат айна йўналишда давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаштириши, балки коррупцияга қарши курашишда барча куч ҳамда воситаларга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Коррупция иллатига қарши курашишда муҳим бир восита сифатида жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур. Ортимизда фаолият олиб бораётган 10 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллиги ва жонбозли-

ги сезилмапти. Бунга сабаб, бу ташкилотлар манфаатини ифода этувчи, давлат билан боғловчи яхлит тизим мавжуд эмас.

Жамоатчилик билан ишлаш тизими халқимизнинг муаммолари масалаларини давлат миқёсига олиб чиқиш ва ҳал қилишда натижа кўрсата олмапти.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Жамоатчилик палатасини ташкил этиш таклифини билдирган эди. 11 февралдаги йиғилишида ушбу палатанинг асосий вазифалари, ташкилий жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди.

Жамоатчилик палатаси аҳоли фикрини ўрганиб бориши, уларнинг ечимини топишда давлат идоралари олдида аниқ вазифаларни қўя билиши зарур бўлади. “Жамоатчилик эшитуви”, “Жамоатчилик мониторинги”, “Жамоатчилик экспертизаси”, “Жамоатчилик ташаббуси” каби таъсирчан назорат шакллари ҳаётга татбиқ этиш муҳимлиги ҳам давлатимиз раҳбари томонидан тушунтириб ўтилди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ва кенг жамоатчилик бир бўлиб, ушбу иллат билан курашмас эканмиз, ривожланиш, олдинга силжиш бўлмайди. Шунинг учун жамият ҳаётига оид муаммоларни ҳал этишда коррупцияга барҳам берилиши бугунги кундаги энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Мухтор
ҲОЖИМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати

Фуқаролик билан боғлиқ эътирозлар ҳал этилади

Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни тақомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида мамлакатимизда узоқ вақтдан бери ўшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келганини давлатимиз раҳбари таъкидлаган эди.

Вазирлар Маҳкамаси бу масалда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Лойиҳанинг ишлаб чиқиш зарурати ҳамда фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, ушбу соҳада самарали ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, фуқаролик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, шахсларнинг Ўзбекистон фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг

ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш билан ҳам изоҳланади. Шунингдек, соҳани тартибга солидиган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш заруратини кўрсатади.

Кuni кеча “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун Қонунчилик палатаси томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Қонун Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тартиб-таомиллари либераллаштирилишига хизмат қиладди. Ушбу ҳужжат фуқаролик масалалари бўйича шикоят қилувчи шахсларнинг эътирозлари камайишига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қиладиган фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини кескин қисқаришига ёрдам беради.

Шунингдек, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик механизмлари яратилишига, соҳага доир ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аниқ ва бир хилда бўлишига замин яратди.

Тўлжон КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



2020 йил 1 апрелдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказиладди.



Тадбиркорлар кўмакдоши!

Давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилган.



ганилиб, ҳал этилмоқда. Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги Бош вазир қабулхонасига 2019 йил давомида 103 та мурожаат келиб тушган. Шундан 19 та банк кредити, 48 та ер ва бино иншоотлар, 6 та коммунал соҳа, 2 та солиқ ва 28 таси бошқа масалалардан иборат. Улар тегишли ташкилотлар билан биргаликда ўрганилиб, тадбиркорларга 63 та мурожаат бўйича тушунтиришлар берилди. 40 та мурожаат ижобий ҳал қилинди.

раф қилинди. Ҳозирги кунда Бош вазир қабулхонаси иши уч босқичда олиб борилмоқда. Тасдиқланган кунлик жалдал асосида шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, адлия, Давлат солиқ инспекцияси, қурилиш, кадастр, банк

ҳамда Қўқон шаҳар тадбиркорликка кўмаклашиш маркази вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилмоқда.

— Бош вазир қабулхонаси ходимлари саъй-ҳаракатлари билан мурожаатларнинг ҳал қилиниши тадбиркорларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ошишига, кўшимча иш ўринлари кўпайишига замин яратмоқда, — дейди қабулхона мудир Равшанбек Тўйчиев. — Бугунги кунда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан илгари бўлмаган турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, «Kokand bicycle» МЧЖ 50 дан ошқ ишчи ўрни яратиш, сифатли велосипедларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Қўқон пойабзал» корхонаси эса ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш қаторида 25 нафар ёшларни иш билан таъминлади. «Қўқон ширт текстиль» МЧЖ мурожаати асосида фаолиятини кенгайтириши учун ер майдони ажратилди. Ҳозирги кунда ушбу корхонада 50 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда. Яқинда қабулхона вакиллари ва ви-

“ Қабулларда 407 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Мурожаатларнинг 119 тасига қабул давомида тушунтириш берилди, 28 таси рўйхатга олиниб, тегишли тартибда масалага дахлдор бўлган ташкилотларга йўналтирилди. ”

Бундан ташқари, мурожаатларни кенгроқ миқёсда қабул қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини жойида аниқлаш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ҳам ўтказиб келинмоқда. Натижада қўллаб-қувватлаш органлар томонидан барта-

ларини ишлаб чиқариш қаторида 25 нафар ёшларни иш билан таъминлади. «Қўқон ширт текстиль» МЧЖ мурожаати асосида фаолиятини кенгайтириши учун ер майдони ажратилди. Ҳозирги кунда ушбу корхонада 50 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда. Яқинда қабулхона вакиллари ва ви-

лоят прокурори ҳамкорлигида Марғилон шаҳри, Тошлоқ, Қўштепа, Кува туманларидаги тадбиркорлар билан сайёр қабул ташкил этилди. Унда жами тадбиркорлик субъектларидан кредит, ер, инфратузилма тармоқларига уланиш, солиқ, рухсатнома ва лицензия, бино ажратиш ҳамда бошқа масалалар бўйича 53 та мурожаат келиб тушди. 16 таси жойида ижобий ҳал этилди. 27 та мурожаат масъул ташкилотларга кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун муддат белгилаб, қабулхона томонидан назоратга олинди. 10 та мурожаатга масъул ташкилотлар томонидан жойида маслаҳат ва ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Қўштепа туманига 2019 йил давомида жами 64 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан, сайёр қабулларда 28 та, «Call-маркази» орқали 5 та, 31 таси бевосита қабулхонага мурожаат қилинган. Шу жумладан, мазкур мурожаатларда банк, молия-кредит, бино ва ер инфратузилмаси, рухсатнома ва лицензия масалалари кўтарилган.

Бош вазир қабулхонаси ташаббуси билан Қўштепа тумандаги ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбари иштирокида туманда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланидиган жисмоний ва юридик шахслар учун 21 та учрашув ва сайёр қабуллар ташкил этилган.

Қабулларда 407 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Мурожаатларнинг 119 тасига қабул давомида тушунтириш берилди, 28 таси рўйхатга олиниб, тегишли тартибда масалага дахлдор бўлган ташкилотларга йўналтирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ходимлари мурожаат келишини кутиб ўтирмасдан, жойларга чиққан ҳолда сайёр қабуллар ўтказиб, муаммо ва мурожаатларни ўрганиб, аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган тарғибот тадбирларини ҳам амалга оширмоқда. Зеро, аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим йўли тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришдир.

Рустам МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти

Иморатлар ичида энг улуг даргоҳ — мактаб. У таълим-тарбия маскани, билимлар даргоҳи. Таълим-тарбия эса доим инсонларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида биринчи ўринда туради. Бунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг борчадан кейинги илк таҳсил олишни бошлайдиган ушбу илм ўчоғида ўқитувчи зиммасида катта масъулият ётади.

Айнан, бошланғич даврда олинган дастлабки билимги-

ло, фарзанд, қолаверса, унинг ота-онаси ва яқинлари учун

дарслар жараёнида, мавзуга хос турли мультимедиа-ларни

биби Тоҳирова, Нилуфар Озодова сингари шоғирларим айна пайта мўйқалам ишлатишни яхши ўзлаштирмоқда. Уларнинг

“Мен энди ўқувчиман!”



на келажакка пойдевор ва-зифасини ўташи, шубҳасиз. Боланинг ёшлигидан қандай ўйинчоқларни ўйнаши, қизиқишларига қараб, унинг келажакда қайси касб эгаси бўлишини тахмин қилиш мумкин. Мактаб остонасига илк қадам ташлаш, энг авва-

ҳам катта қувончдир. Синф хонасидаги парталардан ўз жойини топиб ўтириши, ўзига яқин ўртоқ танлаши, синфнинг чиройли рангда жиҳозланишини кўриб, ҳар бир бола “мен энди ўқувчиман”, деган масъулиятни сезади. Бир-бирдан қизиқарли

кўриши эса ўқувчининг китобга бўлган меҳри, таҳсил олишга нисбатан қизиқишини ошириб бораверади.

Мактабимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айна пайта кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган 5 та муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалий ишлар олиб борилаёпти.

Жумладан, ўзим дарс бераётган 2 “Б” синф ўқувчиларини тўлиқ жалб этган ҳолда рассомчилик йўналишида алоҳида иш олиб бораёяман. Шохжаҳон Абдумажидов, Муниса Тоҳирхонова, Саби-на Турсунмуродова, Кумуш-

расмларида она-Ватан, табиат, ота-онага меҳр-муҳаббат ҳисларини кўриш мумкин. Очiq дарслардаги “она-Ватан”, “Табиятни асрайлик!”, “Менинг шаҳрим”, “Соғлом ҳаёт тарафдоримиз!”, “Ер юзида тинчлик!”, “Менинг қаҳрамоним”, “Ватанимни асрайман!” каби суратларда митти қалбларда акс этувчи беғуборликни кўриш мумкин. Ҳа, болаларимиз шу даврдан бошлаб, тинчлик неъматини қадрлашни ҳис этишмоқда.

Нодира МИРЗАБЕКОВА,
Жиззах шаҳридаги
29-мактабнинг бошланғич
синф ўқитувчиси

2020 йил 1 июндан бошлаб сотилаётган ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган металл прокатининг ҳар бир тўпига ишлаб чиқарувчи томонидан сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилиниши керак.





Топишмоқ

Отамнинг мактаб винеткасида биттагина аёл муаллим бор экан, қолгани эркак. Менинг 8-синфда тушган винеткамда 12 та муаллимдан 5 таси аёл, 7 таси эркак. Қизимнинг винеткасида учтагина эркак, қолгани аёл муаллимлар. Неварамнинг винеткасида ҳаммаси аёл, биронта эркак зоти йўқ. Бу нимадан далолат?

Бир куни узоқроқ қариндашимизнинг тўйдан кеч қайтдим. Ҳаво совуқ. Уй иссиқ экан, кўнглим беҳузур бўлиб, тўйда еган-ичганларимнинг ҳаммасини унитазга ташладим. Хотиним ўқчиб-ўқчиб қайт қилишимга раҳми келди, шекилли, чуқур "ух" тортиб деди:

— "Намоз ўқинг, намоз ўқинг" дейман, ҳеч кулоқ солмайси. Жойнамозга сажда қилганингизда, ҳозир унитазга сажда қилиб ўтирмаган бўлардингиз...



Шароф БОШБЕКОВ,
драматург

Кимгадир яхшилик қилиб, бировларга гапириб юрсангиз, мақтаниб бўлади — савоби йўқ, агар ўзига айтсангиз, миннат бўлади — яна савоби йўқ.

Бир кўришда муҳаббат фақат она ва чақалоқ ўртасидагина бўлиши мумкин. Чақалоқ туғилган заҳоти онасини кўради ва... умрининг охиригача севиб қолади.

Худо аввал эркакни бунёд этди, кейин тажриба орттириганидан сўнг аёлни яратди. Шу сабабдан аёл жисман ҳам, руҳан ҳам, қалб ҳам мукамалроқ чиққан.

Виждон кўричакдай гап: ҳеч иш қилмайди-ю, оғриги оламни бузади.

Ҳамма ўз фикрида қолса, иш ҳам жойида қолаверади.

Дунёни одамийлик босиб кетсин!

Бир куни Амир Темурий хиббонидида тушликдан кейин дам олиб ўтирсам, Ўзбекистон халқ рассоми, ажойиб инсон Рўзи Чориев (охирати обод бўлсин) ўтиб қолди. Икки томонидида иккита гўзал киз. Қизлар ниҳоятда гўзал, бўйлари ҳам салкам икки метр. Рўзи ака сулувларнинг белидан келади. Менга кўзи тушган заҳоти қизларни ҳам ташлаб югургилаб олдимга келди. Бағрига босиб, ўпишиб кўришди. Рўзи ака билан турли талбирларда, йиғилишларда кўришиб турардинг-у, лексин муносабатларимиз ўпишиб кўришадиган даржада эмас эди. Шу сабаб, мен ўзимни тортиброқ турдим. Буни Рўзи ака сезди.

— Биласизми, Шарофжон, — деди у, негадир, менга қарамай. — Мен дунёни гўзал қилишни биламан. Қандай қилиб

одамлар бир-бирига меҳрли, оқибатли бўлишининг йўллари биламан.

Менинг юз ифодамдаги саволни ўқий олди, шекилли, саволга ўзи жавоб берди:

— Бу жуда осон: кўришаётган одамнинг билан ҳам, хайрлашаётган одамнинг билан ҳам ўзингизни гўё охири марта кўришаётган ёки хайрлашаётгандай тутишингиз керак. Шу одамни бошқа кўрмайсиз! Қандай кўришасиз? Қандай хайрлашасиз? Ҳозиргина бағрингизга босиб турган киши ҳақида қандай қилиб ёмон ўйга борасиз? Боролмайси. Ана! Ҳамма ёқни одамийлик, меҳрибонлик, гамхўрлик, мурувват босиб кетади...

Бунга кўп йил бўлди. Энди у одам йўқ... Уша сўхбатни эсламай, ўзимни тортиброқ турганим ёдимга тушиб, хижолатдан

қора терга ботиб кетаман.

Мундоқ ўйлаб қаралса, чиндан ҳам биз шунчаки саломлашамиз, шунчаки хайрлашамиз, ўша одамнинг кўзларини кўрмаймиз, афт-ангорига разм солмаймиз. Расм бўлиб қолган сўзларни шунчаки такорлаймиз, холос. Яқинларимизни йўқотганимизда афсусланиб юраемиз: "Эҳ, ўшанда чиройлар гаплар билан кўнглини кўтарсам бўлмасмиди?", "Эҳ, анави ишни бундоқ қилсам бўлмасмиди, армонда кетди бечора!"

Келинг, бир-биримиз билан шунчаки саломлашмайлик, шунчаки хайрлашмайлик, бағримизга босиб, сидқидилдан салом-алиқ қилайлик. Зеро, Рўзи ака айтганидек, дунёни одамийлик, меҳрибонлик, гамхўрлик, мурувват босиб кетсин!

Раҳматли отамиз Норматов Бошбек иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси бўлганлар. Бола эдим. Отамиз одамни титратиб юборадиган бир воқеани онамизга гапириб берганлари ҳамон эсимда.

— Вязьма йўналишидаги бир чоғроқ шаҳарчани душмандан озод қилдик, — дея гап бошлади отамиз. — Қаҳратон қиш. Икки қаватли ёғоч уйлар, кўча тўла Уликлар... Бир уйнинг иккинчи қаватига чиқсам, латта-путталар уюми ёнида бир аёл ўлиб ётибди. Битта ҳам душман йўқ — қочиб кетишган шекилли. Энди ўгирилиб кетмоқчи эдим, ўлик ёнидаги латта уюми қимирлагандай бўлди. Очиб кўрсам, ё қудратингдан, тирик чақалоқ ўлик онасини эмиб ётибди!.. Де-

разага югуриб бориб, пастдаги ҳамширани чақирдим. Зудлик билан ҳамшираю врачлар етиб келишди. Ҳайратланарли жойи шундаки, мурда совуқда қотиб қолган бўлса ҳам чақалоқ эмаётган кўкрак юмшоқ ва иссиқ

Она меҳри

эди, иккинчиси қотиб ётибди! Ҳарбий врачлар ҳам хайратда: одам ўлгандан кейин узоғи билан йиғирма дақиқадан сўнг организмдаги барча аъзолар ўз функциятини тўхтатиши керак-ку!..

Врачларнинг айтишича, бу аёлнинг жони узилганига ўн кун, бўлмаганда бир ҳафта бўлган экан!.. Ҳамширалар тезга гўдакнинг таглигини алмаштиришди, қайтадан йўргаклаб, шинел-

га ўрашди. Оралан кўп ҳам вақт ўтгани йўқ, бир пайт қарасак, ҳозиргина чақалоқ эмиб турган қайноқ ва юмшоқ кўкрак ҳам иккинчисига ўхшаб совуқда қотиб ётибди. Худди жигаргўшасининг ишончли қўлларга тушганидан хотиржам бўлгандай... Биров гапириб берганида икки дунёда ҳам ишонмасдим, ўз кўзим билан кўрдим ахир... — деб отамиз ҳикоясини тугатдилар.

Нима бу? Бу не синоат, не мўъжизаки, она ўлгандан кейин ҳам юрагининг бир парчасига уммон қадар меҳр, осмон қадар муҳаббат соғинса! Табиат қонунларига бўйсинайдиган, тиббиёт қонунларини тан олмайдиган ОНА МЕХРИ олдида бутун борлиқ таъзимда.

Театр бу — оломон халққа айланадиган жой. Чунки томошабиннинг мақсади бир, фикри бир, йиғиси бир, кулгиси бир, эҳтирослар бир, диққат-эътибори бир нарсага қаратилган. Юраклар бир хил тепади ва... халққа айланади. 1,5-2 соатга бўлса ҳам...

"Хотиннинг ҳақиқатлари" туркумидан

Мен, одатда, кечаси ишлаб, кундузи ухлайман. Эртаси кунни ишга боришга тўғри келди. Уйқусизликдан силлам куриб, уйга келдим.

— Ким чақирса ҳам уйғотма, фақат уруш бошланса уйғотасан, — дедим хотинимга ва тўшакка чўзилдим.

Биламан, уруш бўлмайди. Демак, уйғотмайли. Дўстлар даврасида шу гапни айтиб бердим. Кулишдик.

Улардан бири бу гапнинг қанчалик тўғри-ноғўғрилигини билмоқчи бўлиб, уйга телефон қилибди. Гўшакни хотиним кўтарибди.

— Келин, Шарофжонни уйғотиб юборинг, уруш бошланди! — дебди дўстим.

— Қанақа уруш? — ажабланибди хотин.

— Улуг ватан уруши-да!

Шунда хотиним гап нимадаллигини тушунибди.

— Йўқ, хўжайин унақа майда-чуйда урушларга уйғотиб юрма, жаҳон уруши бошланса уйғотасан, деганлар... — дебди-ю, гўшакни қўйиб қўйибди.

— Нима овқат қилдинг?
— Ҳеч нима.
— Кечаям "ҳеч нима" девдинг.
— Икки кунга етсин деб кўпроқ қилувдим-да...

Кўзни равшан қиладиган дори

Неваралар бир тишлаб ташлаб кетган олманинг у ёқ-бу ёғини пичоқда кесиб еб ўтирсам, неварам келиб сўради:

— Дода, нимага бизлардан қолган олмани еб ўтирибсиз? — Кейин ҳосилининг кўплигидан зўрга шохини кўтариб турган олма дарахти томон ияк қоқди. — Ана, кўп-ку.

— Сенлардан қолгани дори-да, болам.

— Дори? Қанақа дори?

Шунда раҳматли бувининг: "Увол қилмагин, болам, кўр бўлиб қоласан" деган гаплари эсимга тушиб, жилмайганча жавоб қилдим.

— Кўзни равшан қиладиган дори, кўзим...

Топинг-чи, бу қандай одам?

— Сигирим ўлиб қолди. Бунга бир амаллаб чидаш мумкин. Лекин қўшнингнинг сигири тирик-да, ана бунга чидаб бўлмайди!..



Ҳисор давлат кўриқхонасининг унга туташ ҳудудлардаги умумий ер майдони 11 231,3 гектар бўлган кўриқланма зонаси белгиланди.

Автобусдаги “маърузачи” лар!

Автобус дегани бағрикенг улов, унда ҳар қандай соҳа вакилини учратиш мумкин. Айниқса, ишхона узоқда бўлса, бу транспорт воситаси ҳамёнбоп бўлиб қолади.

Шу десангиз, камина ҳам ишхонага етгунча бир соатни автобусда ўтказишга мажбур. Майлида, туяга янтоқ керак бўлса, бўйинни чўзар деганларидек, бола-чақа боқиш, турмуш кечириш учун бундан бағтарига ҳам чидашга мажбуримиз.

Гап шундаки, йўловчиларнинг кўпчилиги боис автобуснинг қаноти остида қизил бўйинбоғ таққан маданият ходимидан тортиб эргалабдан бош оғригига нўш айлаган “шинаванда”ларгача топилади. Сўнгги пайтларда бундай ҳодисаларга дуч келавергач, нонуштага фотиҳа тортарканман, “Бугун йўловчилар орасида “шинаванда”лар бўлмасинда” деб юборишимга бир баҳа қолади.

“Шинаванда” деган сўз сизга нотаниш бўлса, айтиб кўяй, бу эргалабдан шайтоннинг сувини истеъмол қилувчи фуқаро. У ўзини ўйламагани ҳолда жамоатчиликни ҳам бир пулга олмайди. Ўзи оёқ кўйишга жой бўлмай турганда, хоҳлаган бекатдан бундай нусхалар чиқиб келиши мумкин.

Ҳаёнинг отини кўрқоқ кўйибди деганларидек, уни камситишни ёки ортиқча гап сўз чиқишини истамага-

ни учун жим кетаётган йўловчиларга мени ичган деб ўйлаясизми, деган-

“**Ҳаёнинг отини кўрқоқ кўйибди деганларидек, уни камситишни ёки ортиқча гап сўз чиқишини истамагани учун жим кетаётган йўловчиларга мени ичган деб ўйлаясизми, дегандек, ўкрайгани ортиқча.**”



дек, ўкрайгани ортиқча.

Бундай ҳолларда фаросатли чиптачилар, уларнинг пулини ҳам олмай, яхши гаплар билан навбатдаги бекатда тушириб қолдирарди... Бу сафар чиптачимизни жин чалдими ёки нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон, деб иш тутдими, йўл ҳақини индамасдан олди-да, ароқнинг ҳидига чидолмасдан жуфтакни ростлади.

Ана шундан сўнг асосий томоша бошланди. Икки улфат йўловчиларнинг бурун жийришини кўриб, ўзининг “авлиё” эканини исботлашга тушди. Гандираклар турган қариянинг афғон жангчиси бўлиб чиққани етмагандек, афғонга сўнгги чақирилганлар қайтганда, алифбеи энди тамомлаган айитгача уруш қаҳрамонига йилгача кетди.

Хуллас, бекатимга етиб келгунча, қарияларга хурмат, аёлларга “алкаш” тишлаб олмаслиги, кексаларга зикна бўлмаслиги-у, уни жеркиб ташлаган шаҳарнинг туб аҳолисига бағрикенглик ҳақида “маъруза” қилди.

“Маъруза” шунчалар бадбўй, қўланса, одамнинг кўнглини беҳузур қилар эдики, охир-оқибат сурилиб-сурилиб эшик олдига бордим. Бекатларда эшик очилса, тўйиб-тўйиб нафас олиб, манзилга амаллаб етиб бордим-у, худди чўкишга бир баҳа қолган

оламдек ташқарига отилдим.

Мен-ку ярим йўлда қўтилдим, ҳали сўнгги бекатга етгунча яна ярим соатдан кўпроқ вақт бор. Икки “шинаванда”нинг гап-сўзига қараганда, улар сўнгги бекатга тушади.

Тўғри айтасиз, “шинаванда”лар ҳам кимнингдир боласи, кимнингдир отаси, кимгадир ака, кимгадир ука, аммо шундай ўйлар ва яна бошқа вақтлар сабабли кимнингдир отаси, кимнингдир онаси, кимнингдир опаси-ю, кимнингдир синглиси маданият ўчоғи саналган шаҳарнинг автобусига чиққанда кўзига дунё тор бўлиб, бурнига қўлини кўйганча, манзил сари ошиқишига тўғри келмоқда.

Бу мақолани дарди ҳол учун ёзмадим, буни ўша икки “шинаванда” ўқиши ҳам даргумон. Фақат, нажотимиз чиптачилардан, балки уларнинг қўлига газета тушиб, шу мақолага кўз югуртирса, илтимос, ўз хизмат вазифалари давомида бизни уруш кўрмаган “уруш қаҳрамонларидан” қутқарсин!

Бегали ЭШОНҚУЛОВ,
“Жамият” муҳбири

P.S:
Америка Қўшма Штатлари (Гери шаҳри)да саримсоқ егач тўрт соат ичида жамоат транспортига чиққан одам жарима тўлайди.

Аждодларимиз даҳосига ҳурмат намунаси

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамisha юқори бўлган. Хорижий мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадий асарлар яратилган.



Ҳар қандай халқ, биринчи навбатда, ўзи тарбиялаган буюк ўғлонлари, мутафаккир зотлари, инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган олим уламолари билан гурурланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзбек халқининг гурури, чиндан-да

тоғлардан баланд. Зеро, бизнинг юртимизда тугилиб, вояга етган, ўзининг ниҳоятда серқирра илмий-ижодий фаолияти билан дунё аҳлини лол қолдирган буюк боболаримиз номи ҳар биримизнинг қалбимизни фахру ифтихорга тўлдирди.

Демоқчимизки, шу кунларда бобокалонларимиз Ҳазрат Навоий ва Мирзо Бобур таваллудига бағишланган тadbирлар юртимизнинг барча гўшаларида давом этмоқда. Яккасарой тумани 172-мактабда бу буюк алломаларимиз таваллудига бағишланган кеча ўтказилди.

— Буюк боболаримиз тафаккури маҳсули бўлган тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, мезморлик, дин ва бошқа соҳаларга оид минглаб ноёб қўлёзмалар бизнинг бебаҳо бойлигимиздир, — дейди Халқ депутатлари Занги ота туман Кенгаши депутати Мурод Турғунов. — Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Тadbирда шунингдек, туманнинг яна бир депутати Илҳом Икромов, миллий гвардия харбий техника университети ходимлари ўз фикрлари билан иштирок этди. Ўқувчиларнинг чиқишлари — шёвр ва газаллар, саҳна кўринишлари барчани бирдек қувонтирди.

Дарҳақиқат, юртимизда нишонланаётган бундай байрамона тadbирлар буюк бобокалонларимиз даҳосига бўлган ҳурматнинг яққол намунасидир.

Гулҳаё ХУСАНОВА,
“Жамият” муҳбири

Муҳими, вақтни тежаш

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, ҳамда турли зарарли организмларнинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, ўсимлик маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва давлатимиз раҳбари томонидан берилган кўпгина топшириқ дастуриламал бўлмоқда.

Шу ўринда экспорт ва импортдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан ўсимлик, ўсимлик маҳсулотлари импорти ҳамда экспорти билан шугулланувчи

tadbirkorlarга қулай шароит яратиш, импорт-экспорт маҳсулотларини карантин кўригидан ўтказилишида вақтдан унумли фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун пойтахт туманларидаги божхона пунктларида қўшимча ўсимликлар карантини ходимлари ҳам фаолият олиб бормоқда. Хусусан, Сергели ва Чилонзор туманларида самарали фаолият йўлга қўйилган.

Саноат худудларидаги ўсимлик маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан электрон тарзда келган мурожаатлар асосида маҳсулотни карантиндаги ва бошқа зарарли ҳашаротлар, бегона ўт уруғлари ва ўсимлик касалликларига қарши кўриқдан ўтказиш ортиқча овозагарчиликларсиз шу жойнинг ўзида амалга оширилиб, зарурий ҳужжатлар ва кўрсатмалар берилмоқда.

Бу билан инспекция ходимларига юклатилган вазифалар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиб, тadbirkorлик субъектлари учун янада қулайлик яратилиб, энг муҳими, вақт тежалмоқда.

М.САГАТОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани агроном инспектори

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди.



Кечиктириб бўлмас масала

Ер шарида йилдан-йилга атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларнинг ошиб, кўлами кенгайиб бораётгани барчамизга аён. Уларнинг айримлари бир давлат чегарасидан чиқиб сайёравий тус олаётгани халқаро жамоатчиликдан мазкур масалага бефарқ бўлмаслик ва унинг олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Сув ва ҳавони, тупроқни, ўсимлик, ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бугуннинг энг долзарб вазифасидир. Чунки булар борлиқнинг, тирикликнинг асоси ҳисобланади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш, чек қўйиш табиати муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидан иборат. Экологик назоратнинг тўғри йўлга қўйилиши барча соҳаларда ижобий натижаларга эришишнинг энг мақбул ва самарали усуллари билан бири десак, муболага бўлмайди.

Шунинг учун ҳам мамла-

катимизда “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири унда давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати билан бирга жамоатчилик экологик назоратини амалга оширувчи субъектлар ва уларнинг экологик назорат соҳасидаги ваколат-



лари ҳуқуқий томондан мустақкамланди.

Конституциямизнинг 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи

бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомил-

фуқароларнинг жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишдаги иштироклари ҳамда уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Шулар қаторида экологик назоратнинг жамоатчилик инспекторлари тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Унда жамоатчи инспекторнинг асосий вазифалари, жавобгарлиги каби қоидалар батафсил баён этилган.

Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш истагидаги фуқаролар, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторини танлаш ваколатига эга бўлган қишлоқ фуқаролар йиғинларининг экология ва табиати муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссиялари, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари юқорида қайд этилган Низомларни пухта ўзлаштирган бўлиши керак. Унда белгиланган талабларга таянган ҳолда фаолият юритиши, соҳага доир ҳуқуқий меъёрларни ҳаётга татбиқ этиши пировардида атроф-муҳит муҳофазасига кенг жамоатчиликнинг ҳиссаси кўшилишида муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонгир ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Бухоро вилоят партия ташкилоти раиси ўринбосари

“ Шулар қаторида экологик назоратнинг жамоатчилик инспекторлари тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.”

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Эълон

2020 йил 5 март куни соат 11:00да Термиз шаҳри “С.Оллоҳёр” кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига “Термиз нефть база” масъуляти чекланган жамиятига тегишли бўлган Қизилқум туман Олмасор ҚФЙ Қалдирғоч маҳалласи, ҳудудида жойлашган умумий майдони 973,31 кв.м бўлган “37-сонли ФЭТШ” маъмурий ва хўжалик бинолари мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 28 866 329 сўм.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан “Термиз нефть база” масъуляти чекланган жамияти масъул ходими орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб 2020 йил 5 март аукцион кунидан 1 (бир) соат олдин ариза қабул қилиш тўхтатилишини маълум қиламиз.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 5 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 20 март ва 6-21 апрель, 6-21 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб, 5 (беш) календарь кунни ичيدا сотувчи билан олди-сотди шарт-

номасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдорида «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами)

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусخаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Мурожаат учун манзил: «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83,
Хизматлар лицензияланган.

Лицензия RR -0291.

2020 йил 5 март куни соат 11:00 да Термиз шаҳри “С.Оллоҳёр” кўчаси ёқасида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-қадам ошиши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги 100 оилали асалари қўйилади: “Термиз нефть база” масъуляти чекланган жамиятига тегишли бўлган Денов тумани “Сангардак” маҳалласида жойлашган 100 оилали асалари оиласининг бошланғич баҳоси: 48 974 121 сўм.

100 оилали асалари билан “Термиз нефть базаси” масъуляти чекланган жамияти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2020 йил 5 март аукцион кунидан 1 (бир) соат олдин ариза қабул қилиш тўхтатилишини маълум қиламиз.

Юқоридаги мулк 2020 йил 5 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолангандан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 20 март, 6-21 апрель, 6-21 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 5 (беш) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъуляти чекланган жамиятининг Х/р:20208000100512709001. ИНН: 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО: 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак. Жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри “С.Оллоҳёр” кўчаси ёқаси.

Телефон 0(376) 223-77-83.

Гувоҳнома № 903.



Профилактика инспекторини хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ишга жалб этганлик учун интизомий жазо қўлланадиган бўлди.

Айрим одамларни тушуниш қийин: кечагина дабдабозлик, кимўзарга айланаётган тўйлар ҳақида ёзғириб турганлар бугун маросимларнинг ихчамлашиб бораётганидан норози. Нима эмиш: биз серуруғ, ошна-оғайниси кўп халқ эканмиз-у, бугун анъанага айланаётган 200-250 кишига мўлжалланган оилавий тадбирлар ўзаро ришталарга путур етказётганмиш. Агар шу қариндошчилик, меҳр-оқибат тўй билан боғлиқ бўлса, кечиб қўя қолган маъкул бундай алоқалардан. Шунча гап-сўз, тортишувлардан кейин энди-энди фаолияти яхшиланиб бораётган тўйларни тартибга солувчи комиссиянинг ишини қўллаб-қувватлаш ўрнига унга тош отиш ўзи ўтирган дарахтнинг шохини кесиш билан баб-баробар.

кексаларимиз ҳар ишда меъёр бўлиши лозим, дея ўқдириб келишади. Бироқ кейинги йилларда турли халқона удумларимиз, хусусан, тўй-маросимларни ўтказишда манманлик, шухратпарастлик каби иллатларга берилиш кучайдики, бунинг оқибатлари бугун

дастурхон ёзса, эртасига бошқаси 800 кишига мўлжаллаб базм уюштираяпти. Индинга эса ундан ҳам “зўр”роғи 1000 кишини чорлаб, ўзини кўз-кўз қилмоқда. Яқинда эшитдим: масжидга бир одам келиди. Тўйни ҳашамат билан ўтказиб, 90 миллион сўм қарз бў-

мизнинг ҳам “ҳисса”си катта. Чунки қўллаб ола-сингилларимиз “Қизимиз ёки ўғлимизнинг тўйи учун фалон сарпо, фалон мебелни олма-сак, бўлмайди” дея турмуш ўртоқларига сўзини ўтказишга уринадилар. Оқибатда турли муаммолар келиб чиқади.

Камхарж маросимлар Кимларга ёқмайди?

Ўғил-қизларимиз саломатлиги, таълим-тарбияси, келажаги учун қизганган сармомиямизни бир кунлик дабда-

барчамизни жиддий ташвишга солмоқда.

Тўй-маъракаларни ихчам, тартибли ва камчиқим қилиб ўтказиш — ниҳоятда долзарб масала. Чунки юзлаб инсонлар иштирок этадиган бундай маросимлар нафақат оилавий, балки ижтимоий муносабат сифатида баҳоланади. Шундай экан, улар ж а -

либ қолибди. Бунинг устига, янги қурилган оила 23 кунда барбод бўлибди. “Биттаю битта ўғлимни хурсанд қиламан, ўртоқларим, қула-андаларим олдида гердайиб юрман, деб шундай аҳволга тушдим, энди ақлим кирди”, дебди яқинда дабдаба билан тўй қилиб энди масжид имом-хатибининг олдида бош эгган отахон. Манманликка берилиб, охири тиланчиликка мажбур бўлган бу нотавон кимсанинг қисмати бизга ўрناق эмасми? Яна бир оғриқли масала: баъзи йиғитларимизда ор, гурур деган туйғулар йўқолиб бормоқда. “Қай-нотам тўйлан 3 ой ўтгач, янги “Ласетти” олиб бермоқчи эди, лекин ваъдасида турмади” деб оиласидан воз кечмоқчи бўлганларни кўрдик. Ахир ота-боболаримиз қадимда келинни битта тугуни билан от-аравада олиб кетишганини биламиз-ку! Улар аёли томонидан келадиган бойлик, молу давлатдан номус қилишган. Бугун-чи? “Фалон давлатнинг мебеллини олиб бераман” деяётганларда гурур йўқми? Улардан эртага Ватанини, диёнатини севадиган оқил

ба учун ҳеч иккиланмай қўлка совуришимизни қандай изоҳлаш мумкин? Орузу-ҳавас деганда, тўй-ҳашамини тушунишдек нотўғри қарашларга нўқта қўйишимиз лозим. Бунинг учун ҳаммамиз биргалликда, бир ёқадан бош чиқариб иш қилишимиз керак. Шундагина, ижобий натижага эриша бўлади.

Нафақат хурсандчилик тадбирлари, балки аза маросимлари ҳам дабдабозликка айлана кетаётганига нима дейсиз? Мархумларни хотирлаб ёзилаётган эҳсон дастурхонларини қаранг! Ноз-неъматлар кўплигидан столлар букчайиб қолай, дейди. Эҳсондан кўзланган мақсад муҳтожлар қорнини тўйгазиш эмасми? Аммо бундай маъракаларга таклиф этилаётган одамлар орасида эҳтиёжманд бирор кимсани учратмайсиз!

Мана шундай иллатларга чек қўйиш мақсадида 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Кенгашларининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Қарор билан низом тасдиқланди ва жорий йилнинг 1 январидан низом кучга кирди. Сизни билмадиму камини шу ҳўжжат кучга киргач, бозорларда бирмунча арзончилик кўзга ташланганига гувоҳ бўлдим: 2019 йилнинг ноябрь, декабрь ойларида 15-16 мингга қичиб кетган гуручлар ҳозир 7-8 минг атрофида. Ошпоб гуручларни 5 мингга ҳам топса бўлади. Гўшту сабзавотлар, мева-чевалар нарҳида ҳам пайсайиш кўзга ташланади. Шундай экан, аста-секинлик билан тартибга тушаётган тўйларнинг ҳам қила олмаётганларга гапимиз битта: “Сизга инсоф берсин!”

Дилбар МАХМУДОВА,
“Жамият” мухбири

Бир танишимизнинг тўртта ўғли бор: ҳаммаси таксичилик орқасидан кун кўради. Кеча-сию кундузи тиним нималигини билмайди, маҳалладаги иссиқ совуққа аралашмайди. Чунки вақти йўқ. Уларнинг ўй-хаёли, мақсад-муддаоси фақат пул топиш билан банд. Кўрсангиз, кўриниши ёшига тўғри келмайди. Шу танишимиз ўтган йилнинг охирида тўй қилган эди. Келин ва набира тўйни кўшиб қилди. Чақирмаган хонандаси, дастурхонга тортмаган овқати қолмади. Очиғи, тилла топдингизми, деб ҳазиллашдик. Бу дабдаба тўрт ўғилнинг йиллар давомида топган пешона тери эвазига қилинаётганлигини ҳаммамиз билиб турибмиз. Ўйлаб қоласан, киши: одамларимиз қачон ўзгарди? Шундай машаққат билан топилган пул бир кунлик ҳою ҳавасга сарфланди, кетди. Аслида, ҳеч ким бу тўйга ҳавас ҳам қилгани йўқ. Қайтанга гапириб кетди, топишнинг еру юришинг осмон қадар деб. Мана шу бир кунлик тўйга кетган харажат болаларни ўқитишга, саломатлиқни тиклашга, ҳеч курса, қарзсиз яшашга етиши мумкин эдику. Йўқ, биз ўзимиз учун яшамаймиз, бировлар учун, кўз-кўз учун яшаймиз. Ўзимизда йўқ нарсани бор қилиб кўрсатишга жуда уста халқимиз.

Бунга ким айбдор? Наҳотки, тўй деган бало шунчалар бизнинг онгу шууримизни банд этган?! Эзилиб, йиллаб Россияда ишлаб келадиган

одам билан гаплашсангиз, тўй қилишим керак, мана бунча одам чақирим, шим,



Нафақат хурсандчилик тадбирлари, балки аза маросимлари ҳам дабдабозликка айланиб кетаётганига нима дейсиз? Мархумларни хотирлаб ёзилаётган эҳсон дастурхонларини қаранг! Ноз-неъматлар кўплигидан столлар букчайиб қолай, дейди. Эҳсондан кўзланган мақсад муҳтожлар қорнини тўйгазиш эмасми? Аммо бундай маъракаларга таклиф этилаётган одамлар орасида эҳтиёжманд бирор кимсани учратмайсиз!

мана бунча мебел қилишим керак, дейди. Қизимни, ўғлимни ўқитаман, мактаб бераётган таълимдан норозиман, шунинг учун шахсий ўқитувчи ёллаб, болаларимни билим-дун, ўқимишли қилиб тарбияламоқчиман, деган гапларни эшитиш камдан-кам кузатилади.

Ортиқча ҳою ҳавас, дабдабозлик, исрофгарчилик жамиятни таназзул сари етаклайди. Шу боис кўпни кўрган

миятимиз, маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бироқ бу борада олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларига қарамай, иллат тобора илдиз отиб бораётгани ачинарлидир.

Қуръони Каримнинг Аъроф сураси 31-оятда “...еб ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зотан, У исроф қилгучи кимсаларни севмас” дейилган. Лекин бизда бунинг мутлақо акси! Кимдир беш юз кишилик

ва мард фарзандлар туғилармикан?! Сохта обрў-эътибор топиш илинжидаги бундай дабдабазлардан ҳамма толиққани рост эди. Айни сабабдан Президентимизнинг тўйларни тартибга солишга доир даъватини юртдошларимиз хурсандчилик билан қабул қилиши. Шундай экан, ҳамма ибрат кўрсатишни ўзидан бошлайдиган пайт келди.

Юқоридаги каби иллатларнинг урчишида аёллари-

ЖАМИЯТ
Муассислар:
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил бошма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таърир ҳайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Раҳмат Маматов
Ақтам Ҳайитов
Адхам Икромов

Газета таъхириянинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-214 Адади: 1505.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келтирилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатта олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани ном кўрсатилиши шарт.
ЎЗА яқини:
Топширилган вақти: 20.55
1 2 3 4 5 6



“Асака” АТБга хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари қариди Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредит линияси тақдим этилади.

Эҳтиёжлар билан ҳисоблашиш рақобатда ютиб чиқиш гарови

Режалаштирилган ишнинг амалда кимгадир нафи тегса, жамият ривожига ҳисса қўшса, яъни ижтимоий аҳамияти юқори бўлса, бу барча учун фойдали бўлади. Шу маънода сўнги вақтларда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан мижозлар ҳамда аҳоли манфаатини ўйлаб, ишлаб чиқилётган янги хизматларнинг тобора оммалашиб бораётгани ана шундай самарали ишлардан.

Айтилик, сиз замонавий маиший техника харид қилмоқчисиз, танишингиз тўй ёки бошқа маросим ўтказмоқчи, яна кимдир узоқ йиллардан буён машина ёхуд уй сотиб олишни ният қилиб юрибди-ю маблағи етмайпти. Хавотир олманг! Халқ банкининг янги хизматлари худди шундай вазиятларда ёрдам беради. Чунки улар барча учун қулай шартларда тақдим этилади. Масалан, **“Пенсия овердрафт картаси”** хизматини олайлик. Ушбу карта пенсия олувчининг хоҳишига кўра, 5 йил муддатга бепул очиб берилади ва унинг эгаси зарурат бўлганда, навбатдаги пенсияси келгунча банкнинг “овердрафт” кредитидан фойдаланган ҳолда пенсиясининг 50 фоизи миқдоридagi пул олиб туриши мумкин. Кредит 12 ой муддатга, ойига 1,6 фоиз миқдорда устама билан тақдим этилади. Эътиборлиси, фоизни фақат ишлатган сумма учун тўлайсиз, холос. Яъни, агар, сизнинг пенсиянгиз бир миллион сўм бўлса ва ушбу хизмат ёрдамида 500 минг сўм кредит олгансиз. Бирок унинг 250 минг сўмини сарфлангансиз. Шунда сиз фақат 250 минг сўм учун устама тўлайсиз. Қолган маблағ пластик картанингизда тураверади.

Бундан ташқари, “Пенсия овердрафт карта” орқали барча турдаги тўловлар-

ни тўлаш, нақд пул ечиб олишингиз ҳам мумкин. Нақд пулни Халқ банки кассалари ёки банкоматлардан есангиз, ҳеч қандай фоиз ундирилмайди. Яна бир эътиборга молик жиҳати, “Пенсия овердрафт карта”сидаги қолдиқ маблағларга йиллик 8 фоиз миқдорда даромад қўшилади. Демак, пулингиз ҳеч қандай ҳаракатсиз кўпайиб боради.

Ҳўш, бунинг ижтимоий аҳамияти нимада? Мазкур хизмат туфайли, аввало, кексаларимиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Ўзлари учун зарур нарсалар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки дори-дармон сотиб олади. Соғлиғини тиклайди. Моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмайди.

Ҳозирги кунгача банк томонидан 343 мингдан ортиқ мижозга “Пенсия овердрафт картаси” очиб берилган. Шундай экан, сиз ҳам банкнинг ушбу хизматидан фойдаланинг! Афсусланмайсиз, аксинча, манфаат топасиз.

“Режали тўлов кобрендинг картаси”

Бу эгасига банк томонидан белгиланган қарз маблағлари доирасида ҳамкор ташкилотлардан истеъмол товарлари сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Муҳим томони, қарз маблағлари банкка фоизсиз, тўлов графигига асосан тўлаб борилади. Қарз мижознинг иш ҳақидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаригача 1 йил муддатга берилади. Бу орқали ҳам рўзгор кам-кўстини тўлдириб оласиз, ҳам маиший техника сотиб олиш учун узоқ муддат пул жамғариб юрмайсиз. Олинган қарзни бўлиб-бўлиб қайтарасиз. Бунда ҳам сарфланмаган маблағ учун, ҳеч қандай фоиз тўланмайди.

Банкнинг **“Кредит карта”** хизматидан фойдаланувчиларга ҳам бир қатор қулайликлар тақдим этилмоқда. Хусусан, мазкур карта эгалари банк томонидан белгиланган кредит лимит (**10 млн. сўм**) доирасидаги маблағлардан имтиёзли давр (**давр 30 кун**)да фоизсиз фойдаланади. Имтиёзли даврда кредит суммаси тўлиқ қайтарилмаганда, кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 36 фоиз миқдорда фоиз ундирилади. Кредит карта 5 йил муддатга очик кредит линияси билан берилади. Бу қутилмаган харажатлар учун, айниқса, жуда асқотади. Ойлик маошини қутиб ўтирмайсиз. Маблағни бир ой давомида қайтарсангиз фоиз тўламайсиз. Муҳими, оилада молиявий тақчиллик сезилмайди.

Жисмоний шахслар учун очик кредит линияси мижозга 3 йилга “Револьвер” тартибда 2 йил имтиёзли давр билан ажратилади. Мазкур кредит базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаригача ажратилади. Йиллик 36 фоиз. Кредит-

нинг афзаллиги шундаки, 3 йил давомида кредит тўлиқ (ёки қисман) қайтарилган тақдирда ундан яна фойдаланиш мумкин ва кредитнинг фойдаланилмаган қисмига фоиз ундирилмайди. Демак, режалаштирилган ишингиз учун бировдан қарз олмайсиз. Кредитдан уч йил давомида бемалол фойдалана оласиз.

Автомобилга қизикувчилар учун янгилик

“Trade-In” автокредити. “Ўзавтосаноат” АЖнинг расмий дилерларида эски машиналарни янгисига алаштириш имконияти яратилганидан хабарингиз бор. Аммо сизда орадаги фарқни тўлашга маблағ етмайпти. Худди шу вазиятда сизга мазкур автокредит ёрдамга келади. Гап шундаки, эски автомобиль техник кўрикдан ўтказилиб баҳолангач, “Trade-In” автокредити ёрдамида янги автомобиль нархи ўртасидаги фарқ бўйича шартнома тузилади ва банкда автокредит расмийлаштирилади. Орадаги фарқ суммаси банк томонидан “Trade-In” марказига ўтказилади ва сиз янги автомобилга эга бўласиз. Яна бир яхши томони, бунда сиздан бошлангич тўлов талаб этилмайди.

Мазкур кредит 12, 24 ва 36 ойга берилади ва фоиз миқдори мос равишда 28, 29 ва 30 фоизни ташкил қилади. Гаровга янги автомобилнинг ўзи қўйилади. Автокредитни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳам жуда кам. Мижоз ва унинг паспорти, “Trade-In” маркази ўртасида тузилган шартнома ҳамда кафилик, холос. Қарабсизки, янги автомобиль соҳибсиз.

Мазкур хизмат туфайли бир қанча ноқулайликлар олди олинди. Аввало, сизнинг янги автомобиль сотиб олиш орзуингиз ушалади. Эски автомобилни сотиш учун овра бўлиб юрмайсиз. Бу ишларни ортиқча ҳужжатбозлик ва расмиятчиликлардан холи амалга оширасиз.

“Expat Home” ипотека кредити. Халқ банки нафақат Ўзбекистонда, балки

чет элда ишлаётган фуқароларимизга ҳам қулайлик яратишга интилоқда. “Expat Home” ипотека кредити шундай сазой-ҳаракатлар самарасидир. Яъни ушбу хизмат ёрдамида фуқаро хорижда ишлаб туриб ҳам мамлакатимиздан кредитга уй-жой олиши мумкин. Мазкур ипотека кредитидан доимий даро-



мад манбаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролари фойдаланиш имкониятига эга. Бунинг учун банкка мижознинг ўзи ёки қонунда белгиланган тартибда ишончнома берилган вақили мурожаат этиши лозим.

Ипотека кредити қайтаришлиликл, тўловлиликл, таъминланганлик ва муддатлиликл шартларида яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралари уйдаги хондонни бирламчи бозордан сотиб олиш мақсадида берилади. Асосий қарзни қайтариш ва фоизларни тўлаш миллий валютда амалга оширилади. Фақат мижоз сотиб олинган уй-жой ёки кўп квартиралари уйдаги квартира қийматининг камида 25 фоизи миқдордаги ўз маблағига эга бўлиши керак.

Халқимизнинг асосий орзуларидан бири уй қуриш, тўй қилиш, машина олиш. Бу каби орзулар хорижда ишлашга кетаётган минглаб юртдошларимизда ҳам бор. Улар хорижда ишлаб топган пулларини уйга юборишди, оила аъзолари эса ўша пулларни йиғининг бошлайди. Лекин “рўзгор – гор” деганларидай у пуллар кўпинча сарфланиб кетади. Не-не умидлар билан ишлаб, қайтиб келган оила бошлиғи қарасаски, пуллар йўқ ёки чўғи жуда кам. Бунақа ҳолат ҳақида тез-тез эшитиб тураемиз. Халқ банки тақдирини эътиборга олади ва сиз янги автомобилга эга бўласиз. Яна бир яхши томони, бунда сиздан бошлангич тўлов талаб этилмайди.

Айтиб ўтганимиздек, кўчмас мулк ёки автомобиль харид қилиш учун хорижда ишлаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Аммо уларда ҳар доим ҳам имконият бўлмадлиги мумкин. Яъни кимдадир Ўзбекистонга келиб-кетишининг иложи йўқ. Яна кимдадир эса етарлича маблағ йўқ. Халқ банки томонидан тақдим этилётган **“Expat Car”** автокредитлари бунда жуда қўл келади. Бу орқали хорижда ишлаётган фуқароларимиз ўша ернинг ўзидан туриб кредитга машина сотиб олиши мумкин. Яъни энди хорижда ишлаб, пул йиғиб, узоқ муддат қутишингиз шарт эмас. Ҳам ишингизни давом эттириш, машинали бўлиш имкониятига эгасиз.

Автомобил сотиб олиш учун кредит қуйидаги шартларда берилади: кредит муддати 36 ой, имтиёзли даври 1 ой ҳамда бошлангич тўлови умумий сумманинг 35 фоизини ташкил қилади.

Бугун Халқ банки мана шундай оддий, лекин замонавий ва талабгир хизматлари билан халқ орасига чуқур кириб борапти. Чунки ҳозир рақобат даври. Мижозлар ва одамлар эҳтиёжи билан ҳисоблашиб фаолият юритиш эса рақобатда ютиб чиқишнинг энг устувор вазифасидир.

Юнус БҲРОНОВ,
Банк Ахборот хизмати раҳбари

